QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI
AMUDARYO TUMANI HOKIMI
Q A R O R I

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ
ÁMIWDÁRYA RAYONÍ HÁKIMI
S H E S H I M I

109 -son 02 июнь 2021-yil

Қипчоқ давлат ўрмон хўжалигига қарашли ўрмонзорларда ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш тўғрисида.

Туманда экологик муҳитни яхшилаш ва ўрмонзорларни купайтириш, ўрмонларда ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси «Ўрмон тўғрисида» ги Қонунининг 23- моддасига мувофиқ мавжуд ўрмонзорларни муҳофаза қилишни таьминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонуннинг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги ўрмон фонди ҳудудида 2021 йил 1 июндан бошлаб 2021 йил 1 сентябргача "Ўрмонзорларда ёнғин хавфсизлиги мавсуми" деб белгилансин.

2. Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги маъмурияти тумандаги аҳоли пунктларида Ўзбекистон Республикаси "Ўрмон тўғрисида" ги Қонунининг кенг тарғиб қилинишини таьминласин.

3. Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги корхона, ташкилотлар раҳбарларига, деҳкон-фермер хўжаликлари раисларига, ўрмонни ундан фойдаланиш тартиби бузилишидан, шу жумладан, ўрмонни қонунга хилоф равишда кесишлардан ҳамда ўрмонга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатилишидан муҳофаза қилинишини таьминлаш, ўрмонда ёнғиннинг олдини олиш, ёнғинга қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таьминлаш, зарур ҳолларда ёнғинни ўчириш учун аҳолини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўт ўчириш, ер қазиш техникасини ҳамда транспорт воситаларини жалб этиш, ёнғин хавфи юқори бўлган даврда аҳолининг ўрмонда бўлишини ҳамда ўрмонларга транспорт воситалари ва бошқа воситалар киришини чеклаш ёки таъқиқлаш, экологик муҳитни яхшилаш бўйича иложларни амалга ошириш топширилсин.

4. Қипчоқ давлат ўрмон хўжалигига қарашли Давлат ўрмон фонди майдонларида табиий техноген турдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, шундай вазият юзага келганда оқибатларини бартараф қилиш дастур-

режасига асосан шахсий таркиб техникаларининг тайёргарлиги кўриб чиқилсин ва ҳозирлаб қўйилсин.

5. Тумандаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ўрмон фонди ерлари билан чегарадош далаларнинг атрофларини, ариқ ва зовурларни тозалаш пайтида ёнғиннинг олдини олиш мақсадида қамишзорларнинг ёқиб юборилишига, ўрмонзорларда қорамоллар, қўй-эчкиларни боқиб, янгидан экилган кўчатларнинг пайҳон қилинишига чек қўйсинлар.

6. Туман ички ишлар бўлими (У.Худойбергенов)га, Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида ноқонуний ов қилувчи броконьерларга, ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳолатларига ва уларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни кучайтириш, қонун бузувчиларга нисбатан тегишли чоралар кўриш топширилсин.

7. "Тараққиёт кўзгуси" газетаси бош мухаррири (Ғ.Ешниёзов) га ўрмонзорларда ёнғиннинг олдини олиш ва унга қарши курашни кучайтириш тўғрисида газета саҳифаларида ёритиб бориш тавсия қилинсин.

8. Мазкур қарор "Тараққиёт кўзгуси" газетасида чоп этилсин ҳамда туман ҳокимлиги веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Ф.Садуллаев зиммасига юклатилсин.

Амударё тумани
ҳокими **С.Йўлдашев.**

ASLIGA TO'G'RI
Amudaryo tuman hokimligi
Devon mudiri

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI AMUDARYO TUMAN HOKIMLIGI DEVONXONA